

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ
ЦЕНТРАЛЬНАЯ ИЗБИРАТЕЛЬНАЯ КОМИССИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ, ХАЛҚ
ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА
ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ САЙЛОВИГА
ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ
БЎЙИЧА КОНЦЕПЦИЯ**



**КОНЦЕПЦИЯ
ПО ПОДГОТОВКЕ И ПРОВЕДЕНИЮ
ВЫБОРОВ В ОЛИЙ МАЖЛИС
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН, ОБЛАСТНЫЕ,
РАЙОННЫЕ И ГОРОДСКИЕ КЕНГАШИ
НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ**

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ
MAPKAZИЙ SAYLOV KOMИCCИЯCИ
ЦЕНТРАЛЬНАЯ ИЗБИРАТЕЛЬНАЯ КОМИССИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ, ХАЛҚ
ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА
ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ САЙЛОВИГА
ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ
БЎЙИЧА КОНЦЕПЦИЯ



КОНЦЕПЦИЯ
ПО ПОДГОТОВКЕ И ПРОВЕДЕНИЮ
ВЫБОРОВ В ОЛИЙ МАЖЛИС
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН, ОБЛАСТНЫЕ,
РАЙОННЫЕ И ГОРОДСКИЕ КЕНГАШИ
НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

ТОШКЕНТ — «ЎЗБЕКИСТОН» — 2009

МАЖЛИСИ Сайлов комиссияси
ҚАРОИ

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят,
туман ва шаҳар кенгашлари сайловига
тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш
бўйича тушунчалар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ, ХАЛҚ
ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА
ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ САЙЛОВИГА
ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ
БЎЙИЧА КОНЦЕПЦИЯ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА КОНЦЕПЦИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига мувофиқ 2009 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади.

Сайловлар — кучли фуқаролик жамиятига эга бўлган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг асосий шаклидир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сиёсий, давлат ва ҳуқуқий тизимлар изчил, босқичма-босқич модернизация қилиниши натижасида энг юқори демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилди.

Сайловларнинг умум эътироф этилган халқаро нормалар ва принципларга жавоб берадиган самарали қонунчилик, норматив-ҳуқуқий базаси шаклланди.

Марказий сайлов комиссияси бошчилигида ҳокимият вакиллик органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни таъминловчи сайлов комиссияларининг яхлит мустақил тизими ташкил топди.

Фуқаролар, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин, фаол иштирок этиши учун замонавий талабларга жавоб берадиган ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник шароитлар, уларнинг сайлов ҳуқуқлари

тирилиши шароитларида ўтказилади. Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги юз бераётган реал жараёнларни ҳисобга олган ҳолда сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан депутатликка номзодлар кўрсатиш институти тугатилди. Натижада ҳозирги вақтда депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига фақат сиёсий партиялар эга. Қонунчиликка сиёсий партияларнинг ваколатли вакили институти киритилмоқда ва унга сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда, имзо варақаларини тузишнинг тўғрилигини текширишда иштирок этиш ҳуқуқи берилмоқда. Депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони аввалги 5 нафардан 10 нафаргача кўпайтирилди. Қонун ҳужжатларига сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича фаолиятида ошкораликни кенг таъминлашга қаратилган нормалар киритилди. Жами Ўзбекистон Республикасининг амалдаги 13 та қонунига ҳамда мамлакатимиз Конституциясининг 77-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

2009 йилда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари сайловига қонун талабларига тўлиқ мувофиқ ҳолда, юқори демократик савияда тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, шунингдек сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти органларини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9, 10-моддаларига мувофиқ, қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари

сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепция тасдиқлансин (илова қилинади).

Белгилаб қўйилсинки, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича барча ишлар Марказий сайлов комиссияси, жойлардаги сайлов комиссиялари томонидан сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ҳамда ушбу Қарор билан тасдиқланган Концепцияга қатъий мувофиқ тарзда амалга оширилади.

2. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича энг муҳим талаб ва мақсадли вазифалар қуйидагича:

— сайлов кампаниясининг барча иштирокчилари томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига оғишмай ва сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш. Аввало, сиёсий партиялар, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда иштирок этадиган барча ташкилий тузилмалар ўртасида қонунчилик нормаларига қатъий ва изчил риоя қилиш зарурлиги бўйича жиддий тушунтириш ишларини олиб бориш;

— қонун ҳужжатларининг фақат Марказий сайлов комиссиясигина сайлов кампаниясини ўтказишда асосий ташкил этувчи ҳисобланиши тўғрисидаги қонунда изчил ва сўзсиз амалга ошириш. Ҳеч кимнинг, авваламбор, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг сайлов жараёнига аралашишига йўл қўйилмайди. Сайлов кампанияси жараёнига аралашиш, қонун ҳужжатлари талабларини четлаб ўтиш, бузиш мақсадида ҳар қандай уринишлар, аниқланган ҳомийлик ҳолатларига нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий чоралар кўрилади ва айбдорлар жазоланади;

— сайлов кампанияси иштирокчиларининг биронтасига бирор-бир имтиёз ва устунлик берилиши истисно қилинади. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг нормалари, талаблари, қонунда ва ушбу Концепцияда белгиланган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартиби ҳамма учун мажбурий ва бир

хилдир, бунда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг барча янги қоидаларига қатъий риоя қилинади;

— сайловчиларга сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қоидаларини кенг тушунтириш, фуқароларни депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурлари, уларнинг ишчанлик ва ахлоқий сифатлари билан таништириш, сайловчиларнинг бўлажак сайловга мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидан огоҳлиги, хабардорлигини ошириш бўйича самарали ахборот-таҳлил ишларини ташкил этиш учун шарт-шароитларни таъминлаш;

— сиёсий партияларга, депутатликка номзодларга ўз сайловолди дастурларининг қоидаларини, уларда акс этган мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий, социалиқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларига доир нуқтаи назарларини сайловчиларга, жамоатчиликка етказиш мақсадида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш бўйича кенг ва тенг имкониятлар яратиш;

— сайлов кампаниясида ёшлар ва хотин-қизларнинг фаол иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш;

— сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайлов қонунчилиги принциплари ва талабларини ҳисобга олган ҳолда сайлов жараёнида сиёсий рақобатнинг маданиятли шаклларида фойдаланишларига кўмаклашиш. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларига риоя қилиниши устидан назорат Адлия вазирлиги, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар томонидан амалга оширилади.

3. Марказий сайлов комиссияси Котибиятига:

— 2009 йил 20 июлгача Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда сай-

ловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни тартибга соладиган қонунлар ва қонун ҳужжатлари матнларининг зарур миқдорда нашр қилинишини (янги таҳрирда), уларнинг вилоят сайлов комиссияларига, барча даражадаги халқ депутатлари Кенгашларига етказилиши таъминлансин;

— 2009 йил 1 августгача Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан биргаликда Марказий сайлов комиссиясининг 2009 йилги сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартибини белгилайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳалари тайёрлансин ва муҳокамага киритилсин;

— 2009 йил 10 августгача Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда сайловчиларнинг сони тўғрисидаги статистика маълумотларини шаҳарлар ва туманлар бўйича чуқур ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлов бўйича сайлов округлари ва участкаларини ташкил этиш, округ сайлов комиссияларини шакллантириш юзасидан таклифлар тайёрлансин ва киритилсин;

— 2009 йил 20 сентябргача маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда жойлардаги ишларнинг аҳолини ўрганиш ва сайлов участкаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни ташкилий техника воситалари билан жиҳозлаш, сайловни қонунга тўла мувофиқ тарзда ўтказиш учун бошқа барча зарур шарт-шароитларни яратиш (яширин овоз бериш кабиналари, сайлов қутиларнинг мавжудлиги ва бошқалар) бўйича комплекс чоратадбирлар амалга оширилсин;

— Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Минтақавий сиёсат жамғармаси, бошқа жалб этилган тузилмалар билан биргаликда Ўзбекистоннинг сайлов тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш, ҳокимият вакиллик органларига сайловнинг қонунчилик ҳамда норматив-ҳуқуқий базасини ривожлантирилиши, унинг замонавий талаблар ва андозаларга мувофиқлиги, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатимизни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини ошириш масалалари бўйича халқаро давра суҳбатлари, семинарлар ва конференцияларнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши таъминлансин;

— 2009 йил 10 сентябргача Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА), «Жаҳон» ахборот агентлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказилиши тўғрисидаги ахборотларни ўз вақтида тарқатиш тўғрисидаги Битимлар лойиҳаларини, шунингдек, сайлов кампаниясининг барча босқичларида очиқ ва ошкораликни таъминлаш, сиёсий партиялар томонидан участка сайлов комиссияларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тайёрлансин ва муҳокамага киритилсин;

— Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Тошкент давлат юридик институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ҳамда сиёсий партиялар билан биргаликда сайловчиларга, айниқса, биринчи мартаба овоз беришда иштирок этаётганларга, шунингдек жамоат бирлашмаларининг вакилларига сайлов қонунчилигининг асосий қоидалари мазмуни ва мо-

ҳиятини, сайлов кампаниясининг барча босқичларида бу қоидаларга қатъий риоя этилиши зарурлигини тушунтириш ишлари ташкил этилсин;

— Адлия вазирлиги билан биргаликда сайлов кампаниясининг барча босқичларида сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилишни янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин. Сайлов қонунларига риоя этилиши устидан назорат қонунчиликка мувофиқ Марказий сайлов комиссияси билан бир қаторда ўз ваколати доирасида Адлия вазирлиги томонидан ҳам амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

4. Ушбу Қарорнинг бажарилиши устидан назорат Комиссия раисининг ўринбосари Қ.Тоғаев ва Комиссия котиби О.Соатов зиммасига юклатилсин.

*Марказий сайлов
комиссиясининг Раиси*

М. АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 12 май.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ,
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР
КЕНГАШЛАРИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ
ВА УНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА
КОНЦЕПЦИЯ**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига мувофиқ 2009 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади.

Сайловлар — кучли фуқаролик жамиятига асосланган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқ хохиш-иродасининг эркин ифодаланиши, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирокининг асосий шаклидир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сиёсий, давлат ва ҳуқуқий тизимлар изчил, босқичма-босқич модернизация қилиниши натижасида юксак демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги ва бошқа қонун ҳужжатларига асосланган, сайловнинг умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари ва принципларига жавоб берадиган самарали қонунчилик, норматив-ҳуқуқий базаси яратилди.

Ҳокимият вакиллик органлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни таъминловчи Марказий сайлов комиссияси бошчилигида доимий асосда фаолият кўрсатувчи сайлов комиссияларининг яхлит мустақил тизими ташкил этилган.

Фуқаролар, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин, фаол иштирок этиши, уларнинг сайлов ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширилишининг мустаҳкам кафолатлайдиган ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник шароитлар яратилган.

Самарали, демократик сайлов тизимининг яратилиши — тамомила янгича давлат қурилишини шакллантириш, ижтимоий-сиёсий қурилиш соҳасини демократик янгилаш, ҳокимият тармоқларининг бўлиниши принципларини таъминлаш, реал иқтисодиётнинг жадал суръатларда ривожланишида, аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлиги ўсишида ўзининг яққол ифодасини топаётган чуқур ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш борасида олиб борилаётган ишларнинг муҳим бўғинига айланди.

«Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларига мувофиқ тарзда ўтказиладиган 2009 йилги сайловлар мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим босқич бўлади.

Бўлажак сайловлар сифат жиҳатидан янги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароитларда ўтказилади.

Биринчидан. Жамиятни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларида мамлакатимиз олий қонунчилик органи, жойлардаги ҳокимият вакиллик органларининг роли ва ўрнини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш мақсадида янги Қонунга мувофиқ Қонунчилик палатаси депутатлик ўринларининг сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди. Икки палатали парламент фаолият кўрсатиб келаётган вақтдан буён ўтган давр қонун ижодкорлиги ишлари билан депутатларнинг профессионал тайёргарлиги савиясига нис-

батан талабларнинг сезиларли даражада ошганлигидан далолат беради, бу ҳам сайлов кампанияси жараёнида ўз аксини топиши лозим.

Иккинчидан. Бўлажак сайловлар сиёсий партияларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги тобора юксалиб бораётган шароитда ва партиялараро соғлом рақобат руҳида ўтказилади. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг изчил амалга оширилиши ҳам кўп жиҳатдан кўмаклашади.

Қонун турли сиёсий йўналишларга эга бўлган партия фракцияларининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаб берди. Биринчи марта Парламент кўпчилиги ва парламент муҳолифатининг мақоми, уларнинг мутлақ ҳуқуқлари, самарали фаолият кўрсатишининг кафолатлари белгиланди.

Қонун сиёсий партияларнинг марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият органларини шакллантириш жараёнига фаол таъсир кўрсатиши учун ташкилий-ҳуқуқий шароитларни яратди, бунда Бош вазир номзоди мамлакат Президенти томонидан сиёсий партиялар фракцияларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритилиши белгилаб қўйилди.

Конституциявий қонунга мувофиқ вилоят ҳокимлари номзодлари ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан партия гуруҳларининг вакиллари билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг кўрсатилиши белгиланган. Конституциявий Қонунда назарда тутилган ҳолатларда партия гуруҳлари ишончни оқлай олмаган вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмуриятларининг раҳбарларини эгаллаб турган лаво-

зимидан озод қилиш ҳақида асослантирилган хулосалар билан чиқишлари мумкинлиги кўрсатилган.

Ушбу Қонуннинг кўрсатилган қоидалари амалга оширилиши борасида бошқа қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши мамлакатимизда ҳақиқий кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, сиёсий партияларнинг етуклик даражасини юксалтириш, уларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятида ҳамда қабул қилаётган қарорларидаги ролини оширишга катта таъсир кўрсатди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда юз бераётган ана шу реал жараёнларни ҳисобга олган ҳолда, сайлов қонунчилигида сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан депутатликка номзодлар кўрсатиш институти тугатилди. Шу тарзда ҳозирги вақтда депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига мутлақ сиёсий партиялар эгадирлар.

Учинчидан. Фуқаролик жамияти институтларининг сайловларда иштирок этиш имконияти ва роли кенгаймоқда. Мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишидан келиб чиққан ҳолда, янги Қонунга мувофиқ 15 та депутатлик ўринлари Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатларга берилмоқда. Бу орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни ва одамлар соғлиғини яхшилаш учун курашиш масалаларининг ўта муҳим эканлигини инobatга олган ҳолда, сиёсий йўналишларидан қатъи назар, жамиятнинг барча қатламлари манфаатдор бўлган муаммоларга эътибор қаратилади.

Тўртинчидан. 2009 йилги сайловнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб берадиган энг муҳим омил — бу сиёсий, ижтимоий фаоллик, одамларнинг фуқаролик масъулияти, уларнинг атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлиги даражаси сезиларли равишда ошганлиги. Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотлар жараёнларининг

кечишига, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқ қўлланиши амалиёти, сиёсий партиялар ҳамда депутатларнинг дастурий йўл-йўриқлари ва амалий фаолиятини баҳолашга нисбатан талабчанлиги ва эътибори сезиларли даражада ошди.

Бешинчидан. Бўлажак сайловлар мамлакатимиз сайлов қонунчилигининг янада либераллаштирилиши ва такомиллаштирилиши шароитида бўлиб ўтади. Чунончи, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сиёсий партиянинг ваколатли вакили институти киритилди, унга сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда, имзо варақаларининг тўғрилигини текширишда иштирок этиш ҳуқуқи берилди. Депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони аввалги 5 нафардан 10 нафаргача кўпайтирилди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича сайлов комиссияларининг фаолиятида янада кўпроқ очиклик ва ошкораликни таъминлаш учун қонун ҳужжатларига бир қатор ўзгартишлар киртилди. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жами 13 та қонунларига ҳамда мамлакатимиз Конституциясининг 77-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, шунингдек, вужудга келган сиёсий воқеликдан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган ушбу Концепция Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг асосий принциплари, вазифалари ва устувор йўналишларини белгилаб беради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига
бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик
кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий
принциплар ва вазифалар**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдан асосий мақсад фуқароларнинг маҳаллий давлат ҳокимият вакиллик органларига сайлаш ва сайланишига доир конституциявий ҳуқуқини тўлиқ амалга ошириш учун шарт-шароитларни таъминлашдан иборатдир.

Олий Мажлисга, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайлов миллий сайлов қонунчилиги принципларига тўлиқ мос ҳолда ўтказилади, яъни: депутатларни умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш орқали сайлаш; сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда очиқлик ва ошкоралик; барча даражадаги сайлов комиссияларининг фаолиятида қонунийлик, коллегиялик, мустақиллик ва адолатлилика риоя этиш.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловга қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда, юқори демократик савияда тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳамда фуқароларнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига эркин сайлаш ва сайланишга доир конституциявий ҳуқуқини, сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда фаол иштирокини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва 2009 йилги сайлов кампаниясининг бошқа субъектлари қўйидаги талаблар ва мақсадли вазифаларга амал қиладилар:

1. Сайлов кампаниясининг барча иштирокчилари томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига оғишмай ва сўзсиз риоя этилишини таъминлаш. Энг аввало, сиёсий партиялар, сайловга тайёгарлик кўриш ва уни ўтказишда иштирок этадиган барча ташкилий тузилмалар ўртасида қонунчилик нормаларига қатъий ва оғишмай амал қилиш зарурлиги тўғрисида жиддий тушунтириш ишларини олиб бориш;

2. Қонунчиликка мувофиқ фақат Марказий сайлов комиссияси сайлов кампаниясини ўтказишда асосий ташкилотчи бўлиб ҳисобланиши тўғрисидаги қонундан изчил ва сўзсиз амалга оширади. Ҳеч кимнинг, авваламбор, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг сайлов жараёнига аралашшига йўл қўйилмайди. Сайлов кампанияси жараёнига аралашиб, қонун ҳужжатлари талабларини четлаб ўтиш, бузиш учун ҳар қандай уринишлар, аниқланган ҳомийлик ҳолатларига нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий чоралар кўрилади ва айбдорлар жазоланади;

3. Сайлов кампанияси иштирокчиларининг биронтасига бирор-бир имтиёз ва устунлик берилиши истисно қилинади. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг нормалари, талаблари, қонунда ва ушбу Концепцияда белгиланган сайловга тайёгарлик кўриш ва уни ўтказиш тартиби ҳамма учун мажбурий ва бир хилдир, яъни Олий Мажлис томонидан қабул қилинган сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг барча янги қоидаларига қатъий риоя қилинади;

4. Сайловчиларга сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қоидаларини кенг тушунтириш, фуқароларни депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурлари, уларнинг ишчанлик ва ахлоқий сифатлари билан таништириш, сайловчиларнинг бўлажак сайловга мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида тайёгарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидан огоҳлиги, хабардорлигини оши-

риш бўйича самарали ахборот-таҳлилий ишларни ташкил этиш учун шарт-шароитларни таъминлаш;

5. Сиёсий партияларга, депутатликка номзодларга ўз сайловолди дастурларининг қоидаларини, уларда ўқс этган мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларига доир нуқтаи назарларини сайловчиларга, жамоатчиликка етказиш мақсадида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши бўйича кенг ва тенг имкониятлар яратиш;

6. Сайлов кампаниясида ёшлар ва хотин-қизларнинг фаол иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш;

7. Сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайлов қонунчилиги принциплари ва талабларини ҳисобга олган ҳолда сайлов жараёнида сиёсий рақобатнинг маданий шаклларида фойдаланишларига кўмаклашиш. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларига риоя қилиниши устидан назорат Адлия вазирлиги, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар томонидан амалга оширилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига
бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик
кўриш ва уни ўтказиш бўйича
ишларнинг устувор йўналишлари**

Мазкур Концепцияда кўрсатилган принциплар ва мақсадли вазифаларга мувофиқ сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишларнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгиланади.

1. Сайлов кампаниясини ўтказишга тайёргарлик кўриш даврида асосий саъйи-ҳаракатлар қуйидагиларга йўналтирилади:

1. Сайловчиларга, айниқса, биринчи марта овоз бераётганларга сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий қоидаларини, аввало, 2008 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни моҳиятини тушунтириш.

Этакчи олимлар, экспертлар ва амалиётчи ходимларнинг республика матбуотида ва маҳаллий матбуотда, радио ва телевидениеда чиқишларини ташкил этиш, фуқаролик жамияти институтларининг (сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати) вакиллари иштирокида давра суҳбатларини ўтказиш; сайловга оид қонун ҳужжатларининг қоидаларини тушунтиришга ва бошқа масалаларга бағишланган рисоалар ҳамда бошқа методик материалларни нашр этиш режалаштирилган.

2. Халқаро жамоатчиликка Ўзбекистонда сайлов тизимининг ривожланиши, бу тизимнинг демократик сайловни ўтказиш бўйича халқаро андозаларга мувофиқлиги, сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтларининг сайлов жараёнидаги ролини кучайтириш, сайловнинг ошкоралиги, очиқлиги ва транспарентлигини таъминлаш, давлат ва жамият қурилиши соҳасида демократик янгиланиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги холис ахборотни етказиш. Ушбу масалалар юзасидан таниқли хорижий ва республикамиз экспертлари, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирокида қатор халқаро илмий-амалий конференциялар, семинарлар, давра суҳбатларини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

3. Марказий сайлов комиссиясининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартибини белги-

лайдиган зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини, жумладан, «Овозларни санаб чиқиш, имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини текширишда сиёсий партия ваколатли вакилининг иштирок этиш тартиби тўғрисида»ги, «Сайловолди ташвиқоти даврида депутатликка номзодларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши ҳақида»ги, «Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва сайлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномалар ҳамда бошқа ҳужжатларни тайёрлаш.

4. Округ, участка сайлов комиссияларининг таркибига номзодларни танлаш, сайлов участкаларини тузиш ҳамда комиссияларнинг ишини ташкил этиш механизмларини ишлаб чиқиш борасидаги ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг таржимаи ҳоллари баён этилган плакатлар, сайлов кампанияси даврида зарур бўладиган ташвиқот ва бошқа босма маҳсулотлар намуналари тайёрланади. Бу босқичда хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан, сиёсий партиялардан белгиланган сайловнинг боришини кузатувчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан иш олиб боришни ташкил этиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш зарур.

II. Сайлов кампаниясининг асосий босқичида қуйидагилар фаолиятнинг устувор йўналишлари ҳисобланади:

1. Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ сайлов округлари ва участкаларини ҳамда жамоатчиликнинг обрў-эътиборли вакиллари орасидан тегишли округ ва участка сайлов комиссияларининг таркибларини тасдиқлаш, улар фаолиятини қонунга мувофиқ ташкил этиш.

Барча даражадаги сайлов комиссияларининг самарали фаолиятини таъминлашга қаратилган чора-тад-

бирларни амалга ошириш зарур. Жумладан: сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ўрганиш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларни ташкил этиш ҳамда сайлов комиссияларининг зарур услубий материаллар, алоқа воситалари ва ҳоказолар билан жиҳозланишини таъминлаш масалалари юзасидан округ сайлов комиссияларининг аъзолари иштирокида республика ва минтақавий семинар-кенгашларни ташкил этиш лозим бўлади.

2. Қонуннинг сиёсий партияларга сайловда қатнашишга рухсат бериш борасидаги қоидаларининг оғишмай бажарилишини таъминлаш.

Марказий сайлов комиссияси томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ имзолар тўплаш тартибининг бузилишга йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради.

3. Сайловолди ташвиқоти тадбирларини ўтказиш, депутатликка номзодлар фаолиятининг кафолатларини таъминлаш борасидаги ишлар қонунга қатъий мувофиқ тарзда ташкил этилади. Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга ОАВдан фойдаланишда, сайловчилар билан учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқларни таъминлаш чора-тадбирлари кўрилади. Бунда қонуннинг сайловчилар йиғилиши сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда ўтказилиши ҳамда сайловчилар йиғилишларини ўтказиш жойи ва вақти, одатда участка сайлов комиссиялари билан келишиб олинishi тўғрисидаги янги киритилган нормаларининг бажарилишини таъминлаш муҳимдир.

Марказий сайлов комиссияси депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этиш тартибига доир тавсияларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. Фуқароларни овоз бериш жойи ва вақти борасидаги тўлиқ хабардор қилиш борасидаги қонун

ҳужжатлари талабларининг бажарилиши устидан тизимли мониторинг амалга оширилади.

4. Сайлов кампаниясининг барча босқичларида сайловнинг очиклиги, ошкоралигини таъминлаш, участка сайлов комиссияларининг фаолияти устидан сиёсий партиялар томонидан жамоат назоратини кучайтиришга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

Сайлов кампанияси бошланиши муносабати билан мамлакат оммавий ахборот воситалари вакиллари ва хорижий журналистлар учун матбуот анжумани ўтказилади. Марказий сайлов комиссиясининг сайлов кампанияси бошланганлиги ҳақидаги Қарори Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка етказилади. Ўтган йиллар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини ёритиш бўйича Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА), «Жаҳон» ахборот агентлиги билан икки томонлама битимлари баённомаларини тузиш назарда тутилмоқда.

Сайловнинг барча босқичлари марказий ва минтақавий оммавий ахборот воситаларда, шу жумладан Марказий сайлов комиссиясининг матбуот конференциялари давомида ёритиб борилади. Ишларни мувофиқлаштириш, мониторингни амалга ошириш учун Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот маркази ташкил этилади.

Сайловолди ташвиқотини амалга ошириш, сиёсий партиялар учун эфир вақтининг тақсимланиши, сайловолди видео- ва радио роликлардан фойдаланиш, плакатлар ҳамда ташвиқот машиналаридан фойдаланиш масалалари юзасидан Марказий сайлов комиссияси мажлиси ўтказилади.

III. Сайлов кампаниясининг якунловчи боскичда қонуннинг депутатликка номзодлар, уларнинг ишончли вакилларини номзод қилиб кўрсатиш ва рўйхатга олиш тартибини белгилайдиган қоидаларига, уларга нисбатан қўйиладиган талабларга сўзсиз амал қилишни, номзодлар кўрсатишда хотин-қизлар учун 30% квотага риоя қилишни таъминлаш, асосий қисми сиёсий партиялар зиммасига юкланган номзодларнинг сайловчилар билан иш олиб боришини ташкил этиш устувор йўналиш ҳисобланади.

Марказий сайлов комиссияси томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ депутатликка номзодларнинг зарур ҳужжатларини тақдим этиш тартибини бузиш, тазйиқ ўтказиш, депутатликка номзодлар кўрсатишда бошқа суиистеъмолчиликларга йўл қўймаслик чоралари кўрилади. Сиёсий партиялар олий органларининг депутатликка номзодлар кўрсатиш бўйича мажлислар (қурултойлар, конференциялар) ўтказилиши ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайланиши устидан уларнинг қонунчилик талабларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан мониторинг юритилади. Бу ва сайлов қонунчилигида назарда тутилган бошқа тадбирлар Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловда иштирок этувчи сиёсий партиялар билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан сайлов бюллетенларини ўз вақтида тайёрлаш ва жойларга етказиб бериш, яширин овоз беришни амалга ошириш тартибига риоя этиш бўйича қонун талабларининг бажарилишини таъминлаш, овоз бериш ва овозларни санашни қонун талабларига қатъий мувофиқ тарзда ўтказиш чора-тадбирлари амалга оширилади. «Оилавий овоз бериш», овоз бериш кунида ташвиқот ишларини олиб бориш, овоз беришда қатнашаётган сайловчиларга ва

овозларни санаш жараёнига таъсир кўрсатиш, босим ўтказиш каби ҳолатларга йўл қўймаслик чоралари кўрилади. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига янгидан киритилган ҳамда овозларни санаб чиқиш яқунлари бўйича баённома участка сайлов комиссиясининг раиси ёки унинг ўринбосари томонидан маълум қилинишини ва ушбу баённоманинг нусхаси ҳамманинг танишиб чиқиши учун 48 соатдан кам бўлмаган муддатга участка сайлов комиссиясининг биноти ичига осиб қўйилишини, сайлов комиссияларининг қарори устидан шикоят берган шахслар шикоятни кўриб чиқишда бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлигини назарда тутадиган нормаларнинг сўзсиз бажарилишига алоҳида эътибор берилади.

Овоз бериш ва сайлов яқунлари оммавий ахборот воситаларида, Марказий сайлов комиссиясининг маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун уюштирилган матбуот конференцияларида кенг ёритилади.

* * *

Олий Мажлисга, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича барча ишлар мазкур Концепция қоидаларига қатъий мувофиқ тарзда амалга оширилади.

Сайловларнинг юқори демократик савияда, қонунга мувофиқ тарзда ўтказилиши Олий Мажлиснинг, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг мамлакатимизни демократик янгилашдаги, кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари изчил олға боришидаги ролини янада оширишга хизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ҚАРОРИ

2009 йил май ойи ўртасидан – декабрь ойи мобайнида босқичма-босқич амалга оширилиши шарт бўлган сайловолди тадбирларининг таркиби ва тузилишини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни юксак демократик тамойиллар асосида ташкил этиш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9, 10-моддаларига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси қарор қилади:

1. 2009 йил май ойи ўртасидан-декабрь ойи мобайнида босқичма-босқич амалга оширилиши шарт бўлган сайловолди тадбирларининг таркиби ва тузилиши иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Марказий сайлов комиссияси Котиби О. Соатов зиммасига юклатилсин.

*Марказий сайлов
комиссиясининг Раиси*

М. АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 12 май.

**2009 йил май ойи ўртасидан – декабрь ойи мобайнида БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ
АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ШАРТ БЎЛГАН САЙЛОВОЛДИ
ТАДБИРЛАРНИНГ ТАРКИБИ ВА ТУЗИЛИШИ**

т/р	Тадбирларнинг номланиши ва таркиби	Ижро этиш муддати	Масъул ижрочилар
I. Тайёргарлик босқичи (2009 йил май ойи ўртасидан сентябрь ойигача сайлов кампаниясини ўтказишга тайёргарлик кўриш)			
1.1. Сайловчиларга, сайлов жараёни иштирокчиларига сайлов қонунчилигининг асосий қоидаларини тушунтириш, аҳолининг электорал маданиятини юксалтириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш			
1.	Етакчи олимлар, экспертлар ва амалиётчи ходимларнинг республика ва маҳаллий матбуотда, радио ва телевидениеда чиқишларини, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари (сиёсий партиялар, ўзини ўзи бошқариш органлари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати) иштирокида қуйидаги масалаларни тушунтиришга қаратилган давра суҳбатлари ўтказилишини ташкил этиш: — мамлакатимиз сайлов қонунчилигининг, айниқса, Ўзбекистон Республикасининг «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунининг асосий қоидаларини;	май— сентябрь	Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Миллий теле-радиокомпанияси, Адлия вазирлиги, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Давлат ва жамият қурилиши Академияси, сиёсий партиялар, Экоҳаракат, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Тошкент давлат юридик институти, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, марказий газета ва журналларнинг таҳририятлари

<p>— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий вазифа ва тамойилларни, мамлакат ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа бўлган сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ жараён хусусида сайловчиларнинг хабардорлигини ошириш масаласини; — Сайлов жараёнида амалдаги сайлов қонунчилиги талабларига сўзсиз ва оғишмай риоя этилишини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва аҳамияти, депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурлари, уларнинг ахлоқий ва ишчанлик хусусиятлари ҳамда бошқа масалалар тўғрисида фуқароларни атрофлича хабардор қилиш</p>		
<p>2. Сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотчилари ва манфаатдор ташкилотлар вакиллари билан (алоҳида режага асосан) куйидаги масалалар бўйича семинар-тренинглар ўтказиш: — сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш; — сиёсий партияларга сайловда иштирок этишлари учун тенг шарт-шароитлар яратиш; — сайлов кампанияси даврида сиёсий партиялар томонидан сиёсий этикага риоя қилиниши; — сиёсий партиялар томонидан амалдаги сайлов қонунчилиги талабларга қатъий риоя қилиниши; — сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар</p>	июнь—июль	Марказий сайлов комиссияси, сиёсий партиялар, Экоҳаракат, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

<p>3. Сайлов қонунчилигига юритилган ўзгартиш ва қўшимчалар муносабати билан таниқли хорижий ва миллий экспертлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокида куйидаги масалалар бўйича туркум халқаро илмий-амалий конференция, семинар ва давра суҳбатларини (алоҳида режа асосида) уюштириш: — Ўзбекистон сайлов тизимининг ривожланиши ва унинг демократик сайлов ўтказишнинг халқаро стандартларига мослиги; — давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги демократик ўзгаришларнинг аҳволи, сайлов жараёнида сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш борасида амалга оширилаётган тизимли ишлар ҳақида фикр алмашиш; — сайловни ташкил этиш ҳамда унга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларда очиклик, ошкоралик, транспарентликни таъминлаш</p>	май—сентябрь	Марказий сайлов комиссияси, Адлия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Давлат ва жамият қурилиши Академияси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, сиёсий партиялар
<p>4. Сайлов кампанияси даврида сиёсий партияларнинг масъулиятларини ошириш мақсадида: — сиёсий партиялар дастур ва вазифалари бўйича туркум телекўрсатув ва учрашувлар ташкил қилиш; — сиёсий партиялар, Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг қатъий баҳарилишини таъминлаш; — жамиятнинг ҳозирги ривожланиши босқичида сиёсий партияларнинг ўз дастури ва фаолияти йўналишларини, уларнинг сайловолди платформаларидаги асосий мақсад ва вазифаларини кенг жамоатчиликка тушунтириш;</p>	июнь—сентябрь	Марказий сайлов комиссияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Экоҳаракат, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати,

	— Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа маанфатдор идоралар билан ҳамкорликда ёш сайловчиларни сайлов жараёنларига қизиқтириш, партияларнинг дастур ва мақсадлари тўғрисида тегишли тушунчалар бериш		Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси
5.	Давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов ўтказилиши жараёнида фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришларини таъминловчи миллий сайлов қонунчилигининг демократик асосларини очиқ беришга қаратилган туркум мақолалар, ахборот бюллетенлари ҳамда рисолалар тайёрлаш ва чоп этиш, телевикториналар ўтказиш, бу борадаги фаолиятга оид бошқа шакл ва усуллардан фойдаланиш	июнь— сентябрь	Марказий сайлов комиссияси, Адлия вазирлиги, Олий Мажлис палаталари Котибиятлари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Давлат ва жамият қурилиши Академияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, марказий ва маҳаллий газета ва журналларнинг таҳририятлари
1.2. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни норматив, услубий ва ташкилий жиҳатдан таъминлаш			
6.	Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан: — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси; — Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни;	июнь— июль	Марказий сайлов комиссияси, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

	— Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни; — Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуни; — Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида» ги Қонуни матнларини янги таҳрирда ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида чоп этиш		
7.	Марказий сайлов комиссиясининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартибини белгилаб берадиган қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш: — «Сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда сиёсий партия ваколатли вакилининг иштирок этиш тартиби ҳақида»; — «Имзо варақалари тўғри тўлдирилганлиги Марказий сайлов комиссияси томонидан текширилиши жараёнида сиёсий партия ваколатли вакилининг иштирок этиш тартиби ҳақида»; — «Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш тартиби ҳақида» ва ҳ.к.	май— июль	Марказий сайлов комиссияси, Адлия вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти, Тошкент давлат юридик институти
8.	Давлат статистика кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда бошқа тегишли идоралардан туман ва шаҳарлар бўйича 2009 йил 1 январь ҳолатига кўра сайловчиларнинг умумий сони	май— август	Марказий сайлов комиссияси, Давлат статистика кўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги,

